

## ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна

Тошкент тиббиёт академияси доценти,

педагогика фанлари номзоди

Тел: (90) 996-15-77

[oysoatxudoyorova@gmail.com](mailto:oysoatxudoyorova@gmail.com)

Абдулла.Авлоний номидаги ИТИ магистрлари Холиқова Анора Абдисатторовна, Тошмуродова  
Моҳигул Болтаевна

**Abstract:** The article identifies the main directions of preparing young people for family life, studies the general rules, forms and methods, and provides scientific and practical recommendations for the successful solution of this problem.

**Keywords:** science, competence, preparing young people for life, strategic goal, competitiveness, competency-technological approach.

Гўзал ҳаёт кечираётган ва соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустақкам оилалар жамиятимиз ва унинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади. Оила муқаддас даргоҳ. Унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Инсонга хос чинакам фаровон, бахтли ҳаёт давом этади. Маълумки, қайсики оилада тарбия яхши йўлга қўйилган бўлса, шу оила гуллаб-яшнайдди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари оиладаги муҳит ота-она ўз маъсулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши, фарзандлар тарбиясида намуна ва ибрат мактаби бўлиши муҳим ҳисобланади. Чунки болалар табиатан ниҳоятда тақлидчан ва қузатувчан бўлади. Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўрнак деб билади, бундан инсон у каби ҳаёт кечиришни, у эришган ютуқлар каби муваффақиятларга эришишни, юксак чўққиларга чиқишни кўзлайди. Албатта ёшлар тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан хабардор бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёнлидир. Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб боргани сари ҳар томонлама етук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада ёшларга эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифатини ошириш талабини қўяди. Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга етаклаш муаммоларига эътибор берганлар. Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий таълимоти мисолида қараганда: Инсоннинг яшашдан асл мақсади завқли, лаззатли, ҳузур ҳаловатли, бахтли саодатли умр кечиришдан иборатдир, деган ғоя унинг фалсафий таълимотида устуворлик қилади. Шу боис ул зот “Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт саодатга эришув экани, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт ва саодатга эришади” деб уқтирган эди<sup>1</sup>.

Шунингдек, фарзандларга юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига ҳам эътибор қаратилган. Ёши улуг кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб

<sup>1</sup>Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188-бет.

қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажариш лозимлигини болалар қалбига жо қилишган. Ҳозирги кунда, энг муҳим ва долзарб масалалар бу ёшлар тарбиясида оиланинг масъулиятини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзига амал қилишига эришиш муҳим ҳисобланади. Янги ҳаётга қадам қўйган ҳар бир инсон бахтли турмуш, муҳаббат ва садоқатни жонли идрок эта олади. Маълумки, ўзбек оиласи азалдан мустаҳкам, ҳавас қиларли оила бўлиб келган. Шу сабаб ҳам бугун ёшларни оилага тайёрлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Яъни, оила тинч – Ватан тинч, деган эзгу тушунча доимо шууримизда, қалбимизда бўлиши керак. Президентимизнинг “Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада –Ватанга, халққа садоқатли бўлишда, илмга, касб-хунарга меҳр қўйишда, ота-она, жамият олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишимиз керак” деб айтилган сўзлари ёшлар билан ишлашнинг тизимли йўлига асос бўлмоқда<sup>2</sup>. Оилаларнинг мустаҳкамлиги энг аввало халқнинг, Ватаннинг ҳам бойлигидир. Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, маданий меросимизга мурожаат қиладиган бўлсак, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида кўплаб гўзал намуналарни кўриш мумкин. Муслмончиликда катталар, хусусан, ота-оналарнинг ёшларга оилавий турмуш ҳақида панд-насихат қилишлари, ҳаётий тажрибаларни сўзлашлари одат тусига кириб қолган. Бугунги кунда баъзи ёшларнинг оила, никоҳ масаласига юзаки ёндашаётгани, фарзанд тарбиясига бепарволиги, ота-оналик бурчи ва масъулиятини чуқур англамаслигида кўриш мумкин. Оила – ўзаро ишонч, ҳурмат ҳамда меҳр-муҳаббат асосида бунёд бўлади. Оилада келажак эгалари дунёга келади, тарбия топади, ўзлигини англайди. Оила кўрғонининг мустаҳкам бўлиши учун халқимизга хос сабр-қаноат, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларга амал қилиб яшаш лозим. Миллий, диний қадриятларни, инсоний фазилатларни улуғлаш, азалий анъаналарга содиқлик бахт ва саодат маскани бўлган оилани мустаҳкамлайди. Айниқса, ёшларни юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, касб-хунарга ўргатиш, онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган ва ўзига хос мазмунга эга бўлган қуйидагиларни муваффақиятли ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади:

-ёшларни оилада она тарбияси, ота назоратини онгли англашга ўргатиш орқали соғлом турмуш тарзига эга бўлиш;

-ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлаш жараёнида оила аъзоларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш;

-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тежамкорлик ва ишбилармонлик руҳида тарбиялаш орқали оилавий тарбия билан ижтимоий тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлашга жиддий эътибор бериш;

-ёшларнинг бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликка бўлган янгича муносабат, мулкдорлик туйғусини таркиб топтириш, “ўзимники”, “бизники” деган тасаввурини кучайтириш орқали уларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлик ва хўжайинлик ҳиссини намоён этишга эришиш;

-оилада ота ва оналар билан фарзандларнинг, фарзандлар билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатларини, оила билан мактаб ва маҳалла ўртасидаги муносабатлар тарзида тарбия мазмунига эга бўлиш;

-ёшларнинг оиладаги ўзаро муносабатларида шахсий ва ижтимоий манфаатлар бирлигини таъминлаш орқали уларнинг ижтимоий маънавий эҳтиёжларини намоён этиш орқали янгича дунёқараши ва фикрлай олишига эришиш;

-ёшларнинг оила ҳаётини тўғри ташкил этиш, оилада соғлом ахлоқий муҳитни яратиш, уларнинг шахсиятини ҳурмат қилиш;

-ёшларнинг соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланиш.

- бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг интеллектуал фаолияти, ихтирочилик ва конструктив қобилиятини ривожлантириш, мустақил ижодий фикр юритиши, истеъдоди, иқтидори, иштиёқи, қизиқиши ва интилишларини тўғри йўналтириш, дунёқараши ва тасаввурини ўстириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали оилавий ҳаётга тайёрлаш;

<sup>2</sup>Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Гофур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.27- бет.

-ўқитувчилар, психолог олимлар, мсгодистлар, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ёшларнинг оилавий ҳаётга доир билимларини ошириш учун илмий методик тавсиялар, қўлланмалар яратишни кенгайтириш;

-ёшларнинг эҳтиёжи, қизиқиши, қобилиятларига қараб ҳаётга тайёрлаш ишларини оқилона ташкил этишда малакали психолог ва педагоглар, мухандислар ва техник ходимлар маслаҳатлари ёрдамидан самарали фойдаланиш;

-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича методик адабиётлар, реал ҳаётдан олинган кинофильмлар, психологик диагностик тадқиқотлардан кенг фойдаланиш;

-ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр бўлиши учун тўғарақлар, кўшимча, ёрдамчи курслар ташкил этиш, маърузалар ўқиш, баҳс мунозаралар ўтказиш, саёхатлар уюштириш, оилавий ҳаётга оид фото кўргазмаларнинг бўлиши ҳамда намунали оила сулолалари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, кечалар ўтказишни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада таълим хизмати таъсирида ёшларнинг оила ва ҳаёт ҳақидаги маълумот ва билимларни тўлиқ англаб етишига эришилади.

Ёшларнинг ватанпарварлик туйғуси ва миллий ғурурини шакллантириш, аждодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат, истиқлолга фидойилик туйғуларини таркиб топтириш йўлида маънавий, маърифий тарбиянинг янги йўлларини топиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини бошқара оладиган ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Оила деб аталмиш қўرғонда авлодлар камол топади. Бу қўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш мамлакат ва дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимизнинг ёрқин келажаги учун хизмат қиладилар. Ҳар жиҳатдан тарбияли ва ибратли ота оналар оила барқарорлигини таъминлайдилар ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлайдилар. “Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни кўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”<sup>3</sup>.

Болаларнинг тўғри сўз, ҳалол, пок, ҳаёли, инсофли, меҳр-оқибатли, камтар, диёнатли, ҳам шу руҳда камол топади. Бинобарин, бу ота-онанинг фарзанд тарбияси олдидаги масъулияти ва бурчини тўғри ва пухта англаши, билан боғлиқдир. Дарҳақиқат, иймон тушунчаси ва унинг белгилари ҳақида болаларга кенг қамровли тушунчаларни бериш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний илмий меросида тарбиянинг инсон маданий, маънавий камолотидаги аҳамияти устувордир. “Иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик, бировни нг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, адолатпарварлик иймонли ва ватанпар бўлиб тарбияланишида ота-она пок ва ҳалол бўлса, фарзанди, сахийлик, оққўнгиллик, хушфёъллик, мардлик, назокатлилик, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, халқни, миллатни, Ватанни жон танила севиш, илмни қадрлаш, табиатни эъзозлаш, диний, ахлоқий, миллий, маънавий қадр ятларга ҳурмат каби ажойиб инсоний хислат ва фазилатлар ёшлар қалбида ўз ўзидан шаклланмайди. Буларнинг ҳаммаси оила, ота-она, жамоатчилик тарбиясининг ижтимоий муҳим таъсири, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг оқибати ва маҳсулидир”<sup>4</sup>.

Хулоса шуки, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш моҳиятига кўра уларни оилага нисбатан ҳурмат ва эътиборли, ўз зиммасидаги вазифаларга нисбатан масъулиятли бўлишга одатлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Энг муҳими ўз оилавий бурчларини бажариш учун зарур кўникмаларга эга бўлиш, соғлом турмуш тарзи концепцияси доирасидаги билимларни чуқур эгаллаши ва уларга оилавий турмуш давомида амал қилиши айни муддаодир. Айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда миллий кадрларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз маънавий меросидан, ислом динининг соғлом турмуш маданияти, меҳрибонлик ғояларидан фойдаланишга эришиш зарур ҳисобланади. Ёшларни мамлакатимизда кечаётган янгиликлар, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг мазмун ва моҳиятини онгли англаб етиши орқали туб ўзгаришлар жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантириш ва фуқаролик масъулияти ила тафаккурини чархлаш талаб этилади.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.

<sup>4</sup>Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: “Ўқитувчи”, 1967, 41-бет.

**Фойданилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абу НасрФаробий. Фозилодамларшаҳри. Т., Абдулла Қодирийномидагихалқмеросинашриёти, 1993, 188-бет.
2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Гофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.27- бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
4. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: “Ўқитувчи”, 1967, 41-бет